

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТАМАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ СОҒЛИКНИ САҶЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**


**Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро Давлат тиббиёт институти**

“Бионеорганик, биоорганик ва биологик кимё” кафедраси

Назаров И.И., Амонова Х.И., Содикова С.Ш.

Титриметрик анализ усуллари.

**Тиббиёт институти талабалари
учун ўқув-услубий қўлланма**



БУХОРО-2005

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТИББИЙ ТАЪЛИМ БҮЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБ ИДОРАСИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўз. Р ССВ Кадрлар ва

ўқув юртлари бош

бошқармаси бўшалиғи

проф. Ф. А. Акилов

2005 й.

Тузувчилар: Назаров И.И. “Бионеорганик, биоорганик ва биологик кимё”
Амонова Ҳ.И. кимё кафедраси мудири, доцент.
Содикова С.Ш. Кафедра асистенти.
Кафедра катта ўқитувчиси.

Такризчилар: х.ф.н., доцент Мавлянов Х.Н.
(Бухоро Давлат Университети
«Умумий кимё» кафедраси мудири)
т.ф.д. профессор Хидоятов Б.А.
(Бухоро Давлат Тиббиёт институти ўқув ишлари проректори).

Сўз боши.

Титриметрик анализ усулари санитар-гигиеник лабораторияларида ишлаб чиқариш биноларидағи ҳавонинг таркибини, ичимлик ва оқар сувларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳоказоларни текширишда кенг қўлланилади.

Организмда учрайдиган суюқликлар, қон, сийдик, ошқозон шираси, ичак ширси маълум миқдордаги кислоталик хусусиятга эга бўладилар. Кислотали хусусияти камайса ёки ортиб кетса (патологик ҳолат) касаллик вужудга келади. Шунинг учун бўлажак шифокорлар нейтралланиш, оксидиметрия ва аргентометрия методларидан фойдаланиб, турли биологик суюқликлардаги кислота ёки асоснинг, оксидловчи ва қайтарувчилар миқдорини аниқлашни билиши керак.

Ана шу мақсадларни кўзда тутиб, намунавий дастур асосида тайёрланган қўлланма титриметрик анализ усуллари:

1. Нейтралланиш;
2. Оксидометрия;
3. Аргентометрия усулларини ўз ичига олади.

Қўлланмада ҳар бир мавзу бўйича назарий билим асослари, тиббий биологик аҳамияти ҳамда амалий машғулот мавзулари келтирилган. Талабалар билимларини аниқлаш мақсадида ҳар бир мавзу бўйича савол ва масалалар келтирилган бўлиб, талабаларни мустакил равишда тайёрланиши учун ёрдам беради.

Хозирги вақтда Республикаизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида ўқув тизимиға янги педагогик технологияларни жорий этилишини инобатга олиб, ҳар бир мавзу бўйича дарс ўтиш усуллари берилади.

Муаллифлар қўлланма тўғрисидаги танқидий фикр, мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиласи ва уларга чукур миннатдорчилик билдирадилар.

Муаллифлар

Фақат назарий билимнинг ўзи амалиётсиз рангиз бўёқка ўхшайди, у ҳеч нарсани англатмайди.

Машғулот мавзуси: Титриметрик анализ. Нейтралланиш усули.

Машғулот мақсади:

- Титриметрик анализ усули билан танишиш
- Нейтралланиш усулининг моҳиятини талабаларга ўргатиш
- Нейтралланиш усулида индикатор танлашни ўрганиш
- Алкалиметрик ва ацидиметрик усуллардан фойдаланиб кислота ва асосларнинг миқдорини аниқлаш

Мавзунинг асосий масалалари:

1. Титриметрик анализ моҳияти
2. Титриметрик анализда ишлатиладиган асбоблар пипетка, бюretка ва ўлчов колбалари билан ишлаш тартибини ўрганиш
3. Нейтралланиш усулида эквивалент нуктани аниқлаш учун индикатор танлаш
4. Титриметрик усулда ишлатиладиган ҳисоблаш формулаларини ўрганиш

Машғулот услуби:

1. Кўргазмали қуроллар асосида назарий билимларни мустаҳкамлаш
2. Талабаларни машғулот бўйича билимини уларга олдиндан берилган саволлар орқали ўрганиш
3. Талабаларнинг машғулотни ўзлаштириш даражасини мавзу бўйича тузилган тест саволлари орқали ўрганиш
4. Янги педагогик технология ”Муаммо усули”.

Фойдаланадиган кўргазмали қурол ва жиҳозлар:

1. Амалий ишни бажариш учун ҳар бир талабага лаборатория ишлари методикаси
2. Лаборатория ишини бажариш учун асбоблар, титрлаш колбаси, пипетка, штатив, бюretка, ўлчов стакани
3. Лаборатория ишини бажариш учун реактивлар, сирка кислота эритмаси, NH_4OH -эритмаси, NaOH -эритмаси фенолфталеин индикаторининг спиртдаги эритмаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳамроев А.Ж., Камолов Х., Махсумов А.Г. Биоанорганик кимёдан амалий машғулотлар Т. 2002
2. Косимова С.С. ва бошқалар Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар Т. 2001
3. Ҳакимов У.Х. ва бошқалар Умумий кимёдан амалий машғулотлар Т.И.Сино нашриёти 1993

Машғулотнинг хронологик картаси

№	Машғулотнинг бориши тартиби	Вақти мин.
1.	Ташкилий қисм	5
2.	Берилган топшириқни қай даражада ўзлаштирилганлигини текшириш	30
3.	Кислота асосли титрлаш методининг назарий асослари билан талабаларни таништириш	25
4.	Амалий қисм: ҳажмни ўлчаш асбоблари билан ишлашни ўрганиш алкалиметрик ва ацидиметрия усуллари билан эритмалар концентрациясини аниқлаш	40
5.	Эритма титри бўйича масалалар ечиш	25
6.	Талабаларнинг билимини текшириш, келгуси машғулот бўйича топшириқлар бериш	10
	Жами	3 соат

Мавзуга оид саволлар:

- 1.Ацидиметрия деб нимага айтилади.
- 2.Ацидиметрия усули билан қандай моддалар миқдорини аниқлаш мумкин.
- 3.Алкалиметрия деб нимага айтилади.
- 4.Алкалиметрия методи билан қандай моддалар миқдори аниқланади.
- 5.Нейтралланиш усули ва унинг моҳияти.
- 6.Нейтралланиш методида қўлланиладиган индикаторлар.
- 7.Нейтралланиш методида қўлланиладиган ҳисоблаш формулаларини изоҳлаб беринг.
- 8.Титриметрик усулининг тиббий биологик аҳамияти.

Титриметрик таҳлил түргисида тушунча.

Титриметрик таҳлил усули асосида, кимёвий реакциялар олиб бориш ва текширилаётган модда билан концентрацияси аниқ бўлган моддаларнинг эквивалент ҳолатини аниқлашга асосланган.

Ҳажмий анализ тортма анализдан фарқ қилиб ўзига хос хусусиятларга эга. Агар тортма анализда анализ қилинаётган моддадаги аниқланадиган компонентни чўкмага ўтказилиб, чўкманинг оғирлиги бўйича шу компонентнинг миқдори ҳисоблаб топилса, ҳажмий анализда ўзаро таъсир этаётган икки эритманинг ҳажми ўлчанади ва улардан бирининг маълум концентрацияси асосида иккинчисининг номаълум концентрацияси аниқланади. Агар тортма анализда реактив ортиқча миқдорда қўшилса, ҳажмий анализда аниқланадиган моддага химиявий аниқ эквивалент миқдорда қўшилади. Тортма анализда тарозилар ва уларда тортиш, ҳажмий анализда эса ҳажмини аниқ ўлчаш асосий роль ўйнайди. Ҳажмий анализда факат тез ва охиригача кетадиган реакциялар қўлланилади, яъни реакция қайтмас бўлиши керак. Концентрацияси маълум бўлган ва унинг ёрдамида бошқа моддаларнинг миқдори аниқланадиган эритма титрланган ёки стандарт иш эритмаси деб аталади. Ҳажмий таҳлил усулининг афзаллиги шундаки, у модда миқдорини қисқа вақт ичида аниқлаш имконини беради, бу эса бир вақтни ичида бир неча параллел аниқлашлар ўтказиш ва аниқ ўртacha арифметик натижалар олиш имконини беради. Бироқ ҳажмий анализда аниқлик тортма анализдагига нисбатан бир мунча кам бўлади.

Титрлаш-бир эритманинг устига иккинчи бир эритмадан оз-оздан томчилатиб реакциянинг охиригача, эквивалент нуктасигача қўшиб бориш.

Титрлашнинг қўшилган реактив миқдори аниқланадиган модда миқдорига эквивалент бўлган пайти эквивалент нуктаси деб аталади. Эквивалент нуктаси эритма физик-химиявий хоссаларининг ўзгаришига қараб, ёки индикаторлар ёрдамида аниқланади. Эквивалентлик нуктасида ёки унинг яқинида ўзининг рангини ўзгартирадиган моддалар индикаторлардир. Индикаторлар ўз рангини кескин ўзгартирадиган титрлаш моменти титрлашнинг охирги нуктаси деб аталади. Бу ўзгариш ҳар вақт ҳам эквивалент нуктаси билан тўғри келавермайди, чунки кўпчилик индикаторлар ўз рангини эквивалентлик нуктасида эмас балки унинг яқинида ўзгартиради. Титрлашда доимо эквивалентлик нуктаси билан титрлашнинг охирги нуктаси орасидаги фарқ яъни титрлаш хатоси жуда кам бўладиган индикаторлар танланади.

Титрлаш асосида ётадиган реакцияларнинг турига қараб ҳажмий анализнинг қуйидаги методлари бўлади:

- 1.Нейтралланиш реакциясига асосланган нейтралланиш методи
- 2.Оксидланиш-қайтарилиш реакциясига асосланган оксидиметрия методи
- 3.Қийин эрийдиган чўкмалар ҳосил бўлиш реакцияларига асосланган чўқтириш методи
- 4.Комплекс бирикмалар ҳосил бўлишига асосланган комплекс ҳосил қилиш методи

Ҳажмий анализда бажарилган экспериментал иш натижаларини ҳисоблаш қуйидаги формулалар ёрдамида олиб борилади

$$T = \frac{q}{V} \quad T = \frac{N \bullet \Theta}{1000}$$

Бунда: Т – эритманинг титри г/л

q – тортиб олинган модданинг грамм билан ифодаланган оғирлиги

N – модданинг нормал концентрацияси

Θ – Эриган модданинг грамм эквиваленти

V – эритманинг ҳажми

$$\frac{N_1}{N_2} = \frac{V_2}{V_1} \quad N_1 \bullet V_1 = N_2 \bullet V_2$$

$$N_1 = \frac{N_2 \bullet V_2}{V_1} \quad V_1 = \frac{N_2 \bullet V_2}{N_1}$$

Кислота-асосли титрлаш нейтралланиш усули.

Нейтралланиш методи H^+ ва OH^- ионлари ўртасида борадиган нейтралланиш реакциясига асосланган бунда кучсиз диссоцияланадиган сув молекулалари ҳосил бўлади.



Нейтралланиш методидан кислота ва ишқорларни, шунингдек эритмада гидролизланиб кислотали ёки ишқорий муҳит ҳосил қиласидиган тузларни миқдорини аниқлаш учун фойдаланилади.

Бирор кислотанинг титрланган эритмасидан фойдаланиб эритмадаги ишқорнинг миқдорини аниқлашга ацидиметрия дейилади. Аксинча бирор ишқорнинг титрланган ишчи эритмасидан фойдаланиб эритмадаги кислотанинг миқдорини аниқлашга алкалиметрия дейилади.

Нейтраллаш усулида кимёвий реакциянинг охири (эквивалент нуқтаси) кислота асосли индикаторлар ёрдамида аниқланади. Индикатор сифатида эритмадаги водород ионларининг концентрациясига қараб ўз рангини ўзgartирадиган турли органик моддалар ишлатилади. Бу индикаторлар кучсиз кислота ёки кучсиз асос ҳоссасига эга бўлиб, уларнинг молекула ҳолидаги ранги ион ҳолидаги рангидан фарқ қиласи. Умуман бир рангли ва икки рангли индикаторлар маълум. Бир рангли индикаторларнинг фактат ионлари ранглидир, диссоцияланмаган молекулалар рангсизdir. (фенолфталеин). Икки рангли индикаторларнинг молекуласи бир хил рангга эга бўлиб, ион ҳолатида иккинчи хил рангга эга бўладилар (метилоранж, лакмус) ва бошқалар.

Масалан индикатор лакмус – кучсиз органик кислота унинг диссоцияланмаган молекулалари қизил рангли анионлари эса кўк ранглидир. Нейтрал муҳитда кўк анионлар ва диссоцияланмаган қизил молекулалар бўлиб оралиқ ҳолатдаги бинафша ранг ҳосил қиласи. Агар лакмусли эритмага кислота томизилса у ҳолда H^+ ионларининг концентрацияси ошади, мувозанат массалар таъсири қонунга кўра чапга, яъни диссоцияланмаган молекулалар концентрацияси ошиши томонга силжийди ва эритманинг


ранги қызил бўлиб қолади. Ишқор қўшилганда унинг OH^- ионлари H^+ ионларини боғлайди натижада мувозанат ўнгга – анионлар концентрацияси ошиши томонга силжийди ва эритма кўк рангга киради. Шундай қилиб индикаторларда ранг ўзгариши эритма рН нинг ўзгаришига боғлиқ.

Ҳар қайси индикатор ранг ўзгариш интервали билан характерланади. рН нинг индикатор ранги ўзгарадиган икки қиймати ўртасидаги оралиқ индикаторнинг ранг ўзгариш интервали дейилади.


Кучсиз органик кислота хоссасига эга бўлган индикаторларнинг молекуласи унинг ионлари билан эритмада қуидаги мувозанатда бўлади.



Агар ўзида индикатор сақлаган эритма устига кислота қўшилса у ҳолда водород ионларининг концентрацияси ортади натижада эритмадаги мувозанат чапга силжийди. Бу вақтда айни индикатор ўз молекуласининг рангини эгаллайди.



Агар эритмага ишқор қўшилса шу эритмада пайдо бўлган OH^- иони H^+ иони билан бирикиб кам диссоциланадиган сув молекуласини ҳосил қиласди. Натижада эритмадаги реакция мувозанати ўнгга силжийди индикатор анионларининг концентрацияси шу эритмада ошади.




Нейтралланиши методида ишлатиладиган энг муҳим индикаторлар

Индикатор	Ранг ўзгариш интерва-ли	Кислота-ли мухитда	Ишқорий мухитда	Титрлаш кўрсат-кич	10 мл. Титрланадиган эритмага олинган индикатор миқдори
Метилоранж	3,1-4,4	пушти	Сарик	3,75	Сувдаги 0,05% ли эритмасидан 1 томчи
Метил-қизил	4,4-6,2	қизил	-	5,3	90 % спиртдаги 0,2 % ли эритмадан 1 томчи
Нейтрал-қизил	6,8-8,0	-	-	7,4	Сувдаги 0,1 % эритмадан 1 томчи
Лакмус	5,0-8,0	-	кўк	6,5	Сувдаги 0,5 % эритмасидан 5 томчи
Фенолфтале-ин	8,0-10,0	рангсиз	қизил	9,0	70% спиртдаги 0,5 % ли эритмасидан 1-2 томчи
Тимолфтолин	9,3-10,5	-	кўк	9,9	90 % спиртдаги 0,1 % ли эритмасидан 1 томчи

Титрлаш жараёнида рН қиймати ўзгаришининг ҳолларини кўриб ўтамиз.


1.Кучли кислотани кучли ишқор билан титрлаш.



Реакциянинг эквивалент нуқтасида мухит нейтрал бўлади. Шунинг учун кучли кислота ва кучли ишқорни бир бири билан титрлаганда бу реакциянинг эквивалент нуқтасини аниқлаш учун интервали рН-4,0-10,0 оралиғида бўлган фенолфталеин, метилоранж, метилқизил, лакмус каби индикаторлардан фойдаланиш мумкин.


2.Кучсиз кислотани кучли ишқор билан титрлаш

Бунда реакция давомида кучсиз кислота ва кучли асосдан ҳосил бўлаётган туз айни шароитда гидролизга учрайди, реакция қўйдагига боради.



Демак, тузнинг гидролизланиши ҳисобига реакциянинг эквивалент нуктасида эритмада ҳосил бўлган эркин OH^- иони ҳисобига муҳит ишқорий бўлади $\text{pH}>7$ шунинг учун реакция охири аниқ кўрсатиши мумкин бўлган фенолфталеин индикаторидан фойдаланилади. Чунки индикаторнинг ўтиш интервали $\text{pH}=8.0-10.0$ оралиғида ўзгаради.

3.Кучсиз асосни кучли кислота билан титрлаш.



Титрлаш жараёнида реакциянинг эквивалент нуктасида ҳосил бўлган тузнинг гидролизланиши натижасида эритмасининг муҳити кислотали бўлади. Бу реакциянинг охирини билиш учун метилоранж индикаторидан фойдаланиш мумкин, чунки бу индикатор $\text{pH}=3.1-4.4$ оралиқда рангини ўзгартиради, яна бундай реакциялар $\text{pH}=4.4-6.2$ оралиқда рангини ўзгартириши мумкин. Юкорида кўриб ўтилган ҳолатлар асосида шундай холосага келиш мумкинки реакция охирида эквивалент нуктада ҳамма вақт бир хил шароит бўлмасдан реакцияга киришаётган кислота ёки асоснинг турига қараб шароит кучсиз ишқорий муҳитга эга бўлиши мумкин экан. Шунинг учун шу шароитларни ўзига хос индикаторлардан фойдаланиш керак.

Нейтралланиши усулининг тиббиётдаги аҳамияти

Кислота ва асосли титрлаш методи клиник анализда сийдикнинг кислоталиги, ошқозон шираси ва бошқа биологик суюқликларни аниқлашда кенг фойдаланилади.

Организмда учрайдиган суюқликлар, қон, сийдик, ошқозон шираси, ичак шираси маълум микдорда кислоталик ёки асослик хусусиятига эга бўлади. Кислоталик хусусиятининг камайиб ёки ортиб кетса (патологик ҳолат) касаллик вужудга келади. Шунинг учун бўлажак шифокорлар нейтраллаш усулидан фойдаланиб, турли биологик суюқликлардаги кислотанинг ёки асоснинг микдорини аниқлашни билишлари лозим. Шунингдек, табобатда хасталикни олдини олиш амалиётда ичимлик суви, саноат чиқинди сувлари тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва биологик муҳитни таркибини микдорини аниқлашда турли ҳажмий таҳлил усуллари кенг қўлланилади. Қон билан боғлиқ суюқликлар тирик организмда доимий pH қийматига эга. Одам қонидаги pH қиймати 7,36 атрофида кам ўзгариб туради.

Мавзунинг амалий қисми:

- 1.Ҳажмни ўлчаш асбоблари билан ишлашни ўрганиш.
- 2.Пипеткадан фойдаланишни ўрганиш.

Вазифа:

- 1.Пипеткани дистилланган сув билан тўлдириб ноль нуктани аниқлаш.
- 2.Бюреткадан фойдаланишни ўрганиш.
- а)Бюреткани дистилланган сув билан тўлдириб ноль нуктани аниқлаш.
- б)Бюретка ёрдамида 7,8 мл
- в)4,55 мл ўлчаб олиш, 3 марта такрорлансин
3. 1 томчи сувнинг ҳажмини аниқлаш учун бюреткани сув билан тўлдирилади, бюреткада ноль “0” нукта аниқланади, кейин сувдан 59 томчи санаб олинади. Тажриба 3-4 марта


қайтарилиб олинган қиймат жадвалга ёзилади ва 59 томчи сувнинг ўртача ҳажми хисобланади

№	Томчининг миқдори, дона	Сувнинг ҳажми, мл	Сувнинг ўртача ҳажми, мл
1.	59		
2.	59		
3.	59		


М: 1 томчининг ҳажми $2,14/59 = 0,04$ мл

II. Алкалометрик усул билан сирка кислотасининг миқдорини аниқлаши.

Сирка кислотаси кучсиз кислота бўлгани учун кучли ишқорлар билан титрлаймиз:



Реакция натижасида кучсиз кислота билан кучли асосдан таркиб топган туз хосил бўлади, у қисман гидролизга учрайди:



Ёзилган реакция тенгламасидан қўриниб турибдики CH_3COONa ни гидролизи натижасида мухит ишқорий бўлади ($\text{pH}>7$). Шунинг учун фенолфталеинни индикаторидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Титрлаши тартиби.

- Бюреткани натрий гидроксид ишчи эритмаси билан “0” нуқтагача тўлдирамиз.
- Тоза титрлаш колбасига пипетка ёрдамида 10 мл сиркав кислотаси эритмасидан олиб, унинг устига икки томчи фенолфталеин индикаторидан қўшилади ва аралашмани бюреткадаги натрий гидроксид эритмаси билан оч пушти ранг хосил бўлгунча титрлаймиз. Аниқлашни 3 марта такрорлаймиз ва олинган қийматларни жадвалга киритамиз.

№	V снзсоон мл	Индикатор фенолфталеин томчи	V NaOH мл	q снзсоон	N _{снзсоон} г-экв/л	T снзсоон г/мл
1.	10.00	2				
2.	10.00	2				
3.	10.00	2				
Ўртача қиймати						

Хисоблаш формуласи:

$$q_{\text{CH}_3\text{COONa}} = \frac{N_{\text{NaOH}} \cdot V_{\text{NaOH}} \cdot \vartheta_{\text{CH}_3\text{COOH}}}{1000} \quad \text{г}$$

$$N_{CH_3COOH} = \frac{N_{NaOH} \cdot V_{NaOH}}{V_{CH_3COOH}} \text{ г-экв/л}$$


$$T_{CH_3COOH} = \frac{N_{CH_3COOH} \cdot \Theta_{CH_3COOH}}{1000} \text{ г/мл}$$

III. Ацидиметрик усул.


1. Аммиакни сувли эритмаси NH_4OH кучсиз ишкорий мухитга эга бўлади. шунга асосланиб унинг микдорини кучли кислота билан титрлаб топилади.



Шунга асосланиб, унинг микдорини кучли кислота билан титрлаб топилади.



Реакция натижасида кучсиз асос ва кучли кислотадан таркиб топган туз ҳосил бўлади ва у гидролизга учрайди.



Тенгламадан кўриниб турибдики, гидролиз натижасида мухит кислотали бўлади ва индикатор сифатида ўз рангини $pH=3,1-4,4$ оралиқ қийматида ўзгартирадиган метилорнж олиш мумкин.

Тажрибани бажариш учун аниқланадиган эритмадан пипетка ёрдамида титрлаш колбасига 10 мл олиб, устига 2-3 томчи метилорнж индикаторидан кўшамиз ва натижада ҳосил бўлган сариқ рангли эритмани бюретка оркали HCl ни ишчи эритмаси билан олов ранг ҳосил бўлганча титрланади. Тажрибани 3 маротаба тақрорлаймиз ва сарф бўлган HCl кислотасининг ўртacha қийматини топиб, уни жадвалга ёзамиз.

№	V NH_4OH	Идикатор томчи	V HCl мл	q NH_3 г	N NH_4OH г-экв/л	T NH_4OH г/мл
1.	10.00	2				
2.	10.00	2				
3.	10.00	2				
Ўртacha қиймат						

Ҳисоблаш формуласи қуйидаги:

$$q_{NH_3} = \frac{N_{HCl} \cdot V_{HCl} \cdot \mathcal{E}_{NH_3}}{1000}$$

$$N_{NH_4OH} = \frac{N_{HCl} \bullet V_{HCl}}{V_{NH_4OH}}$$

$$T_{NH_4OH} = \frac{N_{NH_4OH} \bullet \mathcal{E}_{NH_3}}{1000} \text{ г/мл}$$

Янги педагогик техналогия асосида дарс ўтиш.

Янги педагогик техналогия “*Муаммо усули*”.

Бу усулни мавзуга тадбиқ этиш учун талабалар 2 та кичик гурухга бўлинади. Ҳар бир гурух маълум концентрациядаги эритмани ўzlари ўлчов асбобларидан фойдаланган ҳолатда тайёрлади.

М: биринчи гурух CH₃COOH нинг 0.2 н ли эритмасининг эритмасини, иккинчи гурух эса KOH нинг 0.1 н эритмасини тайёрлаб беради. Эритмалар концентрацияси ҳар иккала гурухда сир тутилади. Талабалар берилган эритманинг нима эканлигини билиб олгач ишчи эритма танлайдилар ва титрлашни амалга оширадилар. Ўқитувчи талабалар ишини кузатиб боради. Иш бажарилгач биргаликда мухокама қилинади.

Бу усулнинг асосий ютуклари:

- талабалар мустақил равишда ўлчов асбобларидан фойдаланишни ўрганади.
- талабалар мустақил равишда эритма тайёрлаш техналогиясини билиб олади.
- талабанинг мустақиллиги ортади.

Мавзуга оид масалалар:

1. KOH нинг 20 миллилитрини титрлаш учун 16.4 мл 0.1 н. HCl эритмаси кетган бўлса, ишқор эритмасининг нормаллигини ва титрини аниқланг. *Жавоби: 0.0820н.; 0.004601 г/мл.*
2. 0.5120 г Na₂B₂O₇•10H₂O (х.т.) ни титрлашга 26.32 мл HCl эритмаси кетган. Кислота эритмасининг титри ва нормаллигини ҳисоблаб топинг. *Жавоби: T=0.003720 г/мл; 0.1020 н.*
3. 20 мл NaOH эритмасини га 22.4 мл 0.1 н. HCl сарфланади. 500 мл анализ қилинаётган эритмада неча грамм NaOH бор? *Жавоб: 2.24 г.*
4. Агар K=0.9224 ли 20 мл 0.1 н. NaOH эритмасини титрлашга HCl нинг 0.1 н. эритмасидан 22.4 мл кетган бўлса, кислота эритмасининг титрини ва унга тузатмани топинг. *Жавоби: K_{HCl}=0.8236; T=0.0030 г/мл;*
5. Сирка кислота эритмасини титрлашга титри 0.0025 г/мл га teng бўлган 20 мл NaOH эритмаси сарфланган бўлса, кислота эритмасининг титрини аниқланг. *Жавоби: 0.003 г/мл.*
6. Ўювчи натрийнинг 1.0032 г миқдори 250 мл ли ўювчи колбасида эритилган. Олинган эритманинг 20 мл ни титрлашга 19.4 мл хлорид кислота кетган. Қаттиқ ўювчи натрийдаги NaOH нинг процент миқдорини аниқланг. *Жавоби: 95.69% NaOH.*

7.2.4265 г концентрланган HNO_3 200 мл ўлчов колбасида эритилган. $K=1.04$ бўлган 20 мл 0.1 н. NaOH эритмасига HNO_3 нинг тайёрланган эритмасидан 25 мл сарфланган. Анализ қилинаётган кислотадаги HNO_3 нинг процент миқдорини аникланг. Жавоби: 57.2%.

Машғулот мавзуси : Титриметрик анализ. Оксидиметрия

Машғулот мақсади:

- Талабаларни анорганик, органик, биологик кимё ва клиник таҳлилларда кенг миқёсда фойдаланиладиган оксидиметрия усули билан таништириш.
- оксидланиш қайтарилиш реакциясида мухитнинг таъсирини ўрганиш.
- Оксидловчи ва қайтарувчиларнинг эквивалент факторини аниқлаш.
- Оксалат кислотаси ёрдамида, KMnO_4 эритмасининг концентрациясини аниқлашни ўрганиш.
- Мор тузи таркибидаги Fe^{2+} ионининг миқдорини аниқлаш.

Мавзунинг асосий масалалари

Оксидиметрия усулининг моҳияти. Оксидловчи ва қайтарувчи моддаларнинг эритмалари концентрациясини аниқлаш
 KMnO_4 эритмасини титри ва моляр эквивалент концентрациясини аниқлаш.
Мор тузи таркибидаги Fe^{2+} ионларининг миқдорини аниқлаш.
Оксидланиш қайтарилиш реакциялари ва уларнинг таснифига доир масала ишлаш.

Машғулот услуби

- 1.Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари асосида назарий билимларни текшириш ва мустаҳкамлаш.
- 2.Лаборатория ишларини бажариб оксидловчи ва қайтарувчи миқдорини аниқлаш.
3. Янги педагогик технология мия штруми

Фойдаланиладиган кўргазмали қурол ва жихозлар.

Амалий ишни бажариш учун хар бир талабага лаборатория ишларини бажариш методикаси. Лаборатория ишини бажариш учун асбоб ва реактивлар пипетка, бюretка, спирт лампаси, оксалат кислотасининг 0,1115 н ли эритмаси, сульфат кислотасининг 2 н ли эритмаси, KMnO_4 эритмаси, мор тузи эритмаси.

Машғулотнинг хронологик харитаси.

№	Машғулотнинг бориши	вақти
1.	Ташкилий қисм	5
2.	Бошлангич билим даражасини, берилган топширикларнинг бажарилганигини текшириш	30
3.	Титрлашнинг оксидиметрия методи ва ушбу методнинг бир қисми бўйича перманганометрия методининг назарий қисмлари билан талабаларни таништириш.	25
4.	Амалий машғулот: Оксидланиш қайтарилиш реакциялари бўйича масала ечиш.	25
	Амалий қисм эритмалар концетрация ва титиришни аниқлаш бўйича лаборатория	

5.	ишлиарини бажариш.	40
6.	Утилган машғулот бўйича талабаларнинг ўзлаштириш малакаси ва билим даражасини текшириш келгуси машғулот саволларини тарқатиши.	10
	Жами	3 соат

Мавзуга оид саволлар:

- 1.Оксидланиш-қайтарилиш реакцияси ва унга таъсир этувчи омиллар.
 - 2.Оксидланиш-қайтарилиш реакциясининг турлари.
 - 3.Оксидиметрия усулининг моҳияти ва унинг таснифи.
 - 4.Оксидиметрия методи ёрдамида қандай моддалар миқдори аниқланади.
 - 5.Оксидловчи ва қайтарувчининг эквивалент миқдорини аниқлаш.
 - 6.Перманганометрия ва унинг моҳияти.
 - 7.Перманганометрия усулида ишчи эритма нима ва унинг моляр эквивалент концентрацияси ва титри қандай аниқланади.
 - 8.Куйидаги оксидланиш-қайтарилиш тенгламаларини тенглаштиринг.
- a) $\text{FeSO}_4 + \text{KMnO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
- b) $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7 + \text{H}_2\text{S} + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow \text{Cr}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{S} + \dots + \dots$
- v) $\text{Zn} + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow \text{ZnSO}_4 + \text{H}_2\text{S} + \text{H}_2\text{O}$
- g) $\text{As}_2\text{S}_3 + \text{HNO}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{H}_3\text{AsO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 + \text{NO}$

Мавзунинг назарий қисми *Оксидиметрия*

Ҳажмий анализнинг оксидланиш-қайтариш реакцияларига асосланган қисмiga оксидиметрия методи деб аталади. Оксидиметрия методларидан фойдаланиб текширилувчи эритмасидан оксидловчи ва қайтаришувчиларнинг миқдорини аниқлаш мумкин. Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг белгилари кимёвий реакцияга иштирок этаётган атом ва ионларнинг оксидланиш даражасининг ўзгаришидир. Агар молекуланинг ионлардан ташкил топган десак, шу молекуладаги атомларнинг шартли заряди шу атомнинг оксидланиш даражаси деб аталади. Оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари бир вақтда боради, чунки бир элементни оксидланиши учун иккинчи элемент қайтарилиши керак. Элемент ёки элементлар группасини электрон бериши оксидланиш электрон қабул қилиши қайтарилиши деб айтилади. Ўзидан электрон берган элемент ёки шу элементни таркибида сақланган модда қайтарувчи вазифасини бажаради. Ўзига электрон қабул қилган элемент ёки шу элементни ўз таркибида сақланган модда оксидловчи деб аталади. Оксидланиш қайтарилиш реакцияси бориши учун қайтарувчи ўз электронини оксидловчига нисбатан юқори энергетик қаватда сақлаши керак. Оддий моддаларда борадиган оксидланиш қайтарилиш реакциялари элементларнинг электроманфийлигига боғлиқдир. Элементларнинг электроманфийлиги деб уларнинг ионланиш пантенциали билан электронга бўлган майиллигини йигиндисини ярмига айтилади. Атом ёки ионлардан электронини ажратиб олиш учун сарф бўлган энергияга ионланиш потенциали деб айтилади. Элемент ёки ион ўзига электрон қабул қилганда ажralадиган энергияни электронга бўлган майиллик деб аталади. Элементнинг электроманфийлиги қанчалик катта бўлса унинг оксидловчилик хоссаси шунчалик катта бўлади. Реакцияга киришаётган элементларнинг электроманфийлиги қанчалик кескин фарқ қилса оксидланиш қайтарилиш процеси шунчалик тез боради. Мураккаб моддалар орасида борадиган оксидланиш реакцияларида электронларни бир атом ёки иондан бошқа атом ёки ионга ўтиш қобилияти стандарт оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг қиймати билан белгиланади. Ўзаро

таъсир этувчи заррачаларнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциалини қиймати бир-биридан қанчалик катта фарқ қилса оксидланиш-қайтарилиш


реакциялари шунчалик тез боради. Элемент ва ионларнинг оксидланиш қайтарилиш потенциали қиймати жадвалда берилган бўлади.

Оксидланиш қайтарилиш реакцияларининг хилма-хиллиги.

Оксидланиш қайтарилиш реакцияларида иштирок этаётган моддаларнинг хоссаларига караб оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини 4 турга бўлиб ўрганамиз.


I. Молекулаларо оксидланиш қайтарилиш реакциялари.

Икки ёки ундан ортиқ модда молекулалари ўртасида борувчи оксидланиш қайтариш реакциялари *молекулаларо оксидланиш-қайтарилиш* реакциялари дейилади. Бу типдаги оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида оксидловчи ва қайтарувчи элементлар турли молекулалар таркибида бўлади.




II. Ички молекуляр оксидланиш-қайтарилиш реакциялари.

Оксидловчи элемент атомлари ҳам, қайтарув элемент атомлари ҳам бир модда молекуласи таркибида бўлганда кечадиган оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига *ички молекуляр оксидланиш-қайтарилиш* реакцияларидейилади.




III. Диспропорцияланиш(дисмутацияланиш) реакциялари.

Оксидланиш ҳам, қайтарилиш ҳам бир хил элемент атомлари иштирокида борувчи реакцияларга *диспропорцияланиш(дисмутацияланиш) реакциялари* дейилади. Бир хил элемент оралиқ оксидланиш даражасидан паст ва юқори оксидланиш даражаларига ўтади.



IV. Синпропорция реакциялари.(коммутация)

Бир хил элементларнинг турли хил оксидланиш даражаларидан бир хил оксидланиш даражасига айланиши.(диспропорцияланиш реакциясининг тескариси)



Оксидловчи ва қайтариувчиларнинг ҳажмий анализда миқдорий ҳисоблашлар грамм-эквивалент орқали бажарилади. Оксидланиш қайтарилиш реакцияларини тенглаштиришда берган электронлар сонига тенглаштириб олинади. Оксидланиш ва қайтарилиш реакцияларида олган ва берган электронлар сонидан коэффицентларни тенглаштиришда ва оксидловчи қайтарувчиларнинг эквивалент моляр массасини топишда фойдаланилади. Оксидловчи ва қайтарувчи эквиваленти деб модданинг битта электрон олиши ёки бериши мумкин бўлган оғирлигига айтилади. Оксидловчининг эквиваленти оксидловчининг молекула оғирлигини олган электронлар сонига бўлинганига тенг бўлади. Қайтарувчининг эквивалентини топиш учун молекула оғирлигини бир молекуласини йўқотган электронлар сонига бўлиб топилади.


$$\mathcal{E} = \frac{M}{n}$$

Э-грамм эквивалент, M-грамм моль, n- электронлар сони


Оксидиметрия методлари.

Ишлатиладиган ишчи эритмаларни хилига қараб оксидиметрия бир неча методларга бўлинади: перманганометрия, йодометрия, хроматометрия методлари. Перманганометрия методида титрланган эритма KMnO_4 эритмасидан фойдаланилади. Титрлаш давомида KMnO_4 нинг пушти ранги йўқолади. Лекин эквивалент нуктада бир томчи ортиқча қўшилган KMnO_4 эритмаси титрланаётган эритмани пушти рангга ўтказади. Бу методда индикаторлик вазифасини KMnO_4 нинг ўзи бажаради. Калийперманганат кислотали, ишқорий ва нейтрал шароитда оксидловчилик хусусиятини намоён қиласди. Кислотали шароитда титрланганда MnO_4^- иони (KMnO_4 таркибида) рангиз ион Mn^{2+} гача қайтарилади.

Масалан:



Титрлашни ишқорий ёки нейтрал шароитда олиб борилганди Mn^{7+} иони Mn^{+4} гача қайтарилади



Реакция натижасида ҳосил бўлган марганец(IV)оксиди қўнғир рангли чўкма бўлиб эквивалент нуктани аниқлаш учун имконият бермайди. Бундан ташқари KMnO_4 нинг оксидловчилик хусусияти кислотали шароитдан ишқорий шароитга қараганда юқори. Шунинг учун KMnO_4 эритмаси билан титрлашни кислотали шароитда олиб борилади.


Мавзунинг тиббий-биологик аҳамияти

Оксидиметрия методидан анорганик, органик, биологик химияда ва клиник анализларда кенг миқёсида фойдаланилади. Масалан: сийдик таркибидаги сийдик кислотасини аниқлашда,

қондаги кальцийни міңдорини аниклашда перманганометрия методидан фойдаланилади. Санитар-гигиеник лабораторияларда ичиладиган ва күлмак сувлари таркибини ўрганишда хам шу методдан фойдаланилади. Тирик организмда кечадиган биокимёвий жараёнларнинг кўпчилиги оксидланиш қайтарилиш жараёнларидир. Шу сабабдан тиббий амалиётда оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг бориши қонуниятларини ўрганиш ва улрни биологик системаларга тадбиқ этиш зарур. $KMnO_4$ нинг юқори оксидловчилик хусусиятидан фойдаланиб, биологик суюқликлардаги қайтарувчилар аникланади. Масалан: перманганометрия методи билан сийдикдаги сийдик кислота міңдори, қон зардобидаги кальций міңдори, қондаги шакар міңдори ва қондаги оксидловчи ферментларнинг катализи аникланади. $KMnO_4$ нинг оксидловчилик ва дизенфекцияловчилик хоссасидан тиббиётда кенг кўлланилади. Унинг сувли эритмасидан яраларни ювиш учун 0,1-0,5% ли эритмаси, оғиз ва томоқни чайиш учун 0,01-0,1% ли эритмаси, заҳарланганда ошқозонни ювиш учун 0,02-0,1% ли эритмаси ишлатилади.

Оксалат кислотаси ёрдамида $KMnO_4$ эритмасининг нормал концентрацияси ва титрини аниклаш.

$KMnO_4$ эритмасининг нормал концентрацияси ва титрлаш аниклаш учун тоза титрлаш колбасига пипетка ёрдамида 10 мл оксалат кислотани эритмасидан олиб, унга 8 мл 2 н H_2SO_4 эритмаси кўшилади. Ҳосил бўлган аралашма спиртовка ёрдамида 70-80°C гача (буғ ҳосил бўлгунча) иситилади. Буюреткани $KMnO_4$ эритмаси билан ноль нуктагача тўлдирилади. Титрлаш малина ранг ҳосил бўлгунча давом эттирилади. Бунда қўйидаги реакция кетади.



Титрлашни уч марта такрорланади ва V_{KMnO_4} нинг ўртacha арифметик қиймати олинади.

№	$V_{H_2C_2O_4}$ мл	$N_{H_2C_2O_4}$ г-экв/л	N_{KMnO_4} мл	N_{KMnO_4} г-экв/л	T_{KMnO_4} г/мл
1.					
2.					
3.					
Ўртacha қиймати					

$KMnO_4$ нинг нормал концентрацияси ва титри қўйидаги формула бўйича хисобланади.

$$N_{KMnO_4} = \frac{N_{H_2C_2O_4} \cdot V_{H_2C_2O_4}}{V_{KMnO_4}} \quad \text{г-экв/л}$$

$$T_{KMnO_4} = \frac{N_{KMnO_4} \cdot \mathcal{E}_{KMnO_4}}{1000} \quad \text{г/мл}$$


KMnO₄ нинг эквивалент оғирлигини аниқлаш унинг молекула оғирлигини кислотали шароитда H₂C₂O₄ ни оксидлаш учун сарф бўлган электронлар сонига бўлиб топилади.

$$\vartheta = \frac{M_{KMnO_4}}{5} = \frac{158,15}{5} = 31,63 \text{ г}$$

Перманганатометрия анализ методидан фойдаланиб, Мор тузи таркибидаги Fe²⁺ ионини аниқлаймиз.

Мор тузи (NH₄)₂SO₄ • FeSO₄ • 5H₂O таркибидаги Fe²⁺ нинг миқдорини аниқлаш.

Мор тузи таркибидаги Fe(II) ни миқдорини аниқлаш Fe²⁺ ионнинг Fe³⁺ ионигача оксидланишига асосланган. Титрлаш колбасига пипетка ёрдамида 10 мл Мор тузини олиб, унга баравар ҳажмда 2 н ли H₂SO₄ эритмасидан кўшилади. Бюреткани концентрацияси маълум бўлган KMnO₄ эритмаси билан тўлдирилади. Титрлашни уй температурасида оч пушти ранг ҳосил бўлгунча давом эттирилади. KMnO₄ билан Мор тузи ўртасидаги реакция қўйидаги тенглама бўйича боради.



Титрлашни уч марта тақрорланади ва VKMnO₄ нинг ўртacha арифметик қиймати топилади.

Таж-риба	Мор тузи эритмасини ҳажми мл.	V _{H₂SO₄} мл	V _{KMnO₄} мл	T _{Fe(II)} г/ мл	P _{Fe(II)} %
1.					
2.					
3.					
Ўртacha қиймати					

Мор тузи таркибидаги Fe(II) ни аниқлашда Fe(II) Мор тузи таркибида FeSO₄ ҳолда бўлади, деб олиш керак ва шу асосда FeSO₄ нинг нормал концентрацияси аниқланади. М: 10 мл Мор тузи эритмаси сарф бўлган бўлса:

$$N_{FeSO_4} = \frac{N_{KMnO_4} \cdot V_{KMnO_4}}{V_{\text{мор тузи}}} = \frac{0,0196 \cdot 9,8}{10} = 0,0192 \text{ г-экв/л}$$

$$T_{Fe(II)} = \frac{N_{FeSO_4} \cdot \varTheta_{Fe}}{1000} = \frac{0,0192 \cdot 55,84}{1000} = 0,00107 \text{ г/мл}$$

Текширилувчи эритмани 0.3456 г Мор тузи 50 мл сувда эритиб тайёрланган десак, шу 50 мл Мор тузи таркибидаги Fe(II) ни миқдори қуидагича топилади.

$$T_{Fe(II)} \cdot 50 = 0,00107 \cdot 50 = 0,0535 \text{ г}$$

$$\begin{array}{l} 0,3456 \text{---} 100 \% \\ 0,0536 \text{---} P \\ P=15,48\% \end{array}$$

Янги педагогик технология усули: “Мия штруми” усулининг асосий қоидалари.

- 1.Фоя ҳосил қилишга халақит берувчи ҳеч қандай танбех ва танқидий фикр билдириласлик.
- 2.Энг кўп миқдорда таклифлар олиш.
- 3.Фоялар комбинацияси ва уларни ривожлантириш.
- 4.Кенг баён қилинмай қисқача фикр билдириш.
- 5.Гурухларни гоя ишлаб чиқарувчиларга ва уларни ишлов берувчиларга ажратиш.

Бу усул ҳар қандай шароитда оптимал, қарор қабул қилишга, опонентларни қабул қилаётган йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишга ўргатади. Бу услугуб асосий мавзуни муҳокама қилишда олдиндан яхшигина тайёргарлиқдир. Масалан: Дарс мавзуси: Титриметрик анализ, оксидометрия. Ўқитувчи доска олдида туриб: “Оксидометрия методи ва унинг моҳиятини айтинг”, деб мурожаат қиласди. Метод моҳиятини талабалар бирма-бир санаб ўтадилар.

-оксидометрия усули

-оксидловчи ва қайтарувчи моддаларнинг эритмаларини концентрациясини аниқлаш.

-перманганометрия ва унинг моҳияти

-калий перманганат эритмасининг титрланган эритмасини тайёрлашда нима учун тахминий тортим олинади ва титр эритма тайёрлангандан бир неча кундан кейин аниқланади

-мавзунинг тиббий биологик аҳамияти.

Бунда ўқитувчи сўрайди. -“Айтингчи оксидометрия усулининг нейтралланиш усулидан асосий фарқлари нимадан иборат”.

Талабалар ўқитувчи билан биргаликда ҳамма вариантларни муҳокама қилишга киришадилар.

Бунда нотўғри жавоблар муҳокама тарзида ҳал қилинади ва асослаб берилади. Шундан сўнг ўқитувчи билимларни кўпроқ муҳокамалаш мақсадида талабалардан тўғри жавобларни ёзib олишни сўрайди.

Мавзуга оид масалалар:

1. 25 мл 0.05 н. Эритма тайёрлш учун $H_2C_2O_4 \cdot 2H_2O$ дан қандай миқдорда олиш керак?
Жавоби: 0.8 г
2. Эритмани титрлаш учун 0.2 н. KMnO₄ эритмасидан 21.30 мл сарфланган бўйса, шу эритмада неча грамм Na₂C₂O₄ бор?
Жавоби: 0.2854 г

3. 0.1138 г $\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_4$ (х.т.) тортимиши кислотали мухитда титрлаш учун 20.75 мл KMnO_4 эритмаси кетган. Шу эритманинг нормаллигини ва унинг темир бўйича титрини хисоблаб топинг. **Жавоби:** 0.0814 н; 0,0.004548 г/мл.

4. KMnO_4 эритмасининг титрини аниқлаш учун 1.6540 г $(\text{NH}_4)_2\text{C}_2\text{O}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ олинган ва 250 мл ли ўлчов колбасида эритилган. Шу эритманинг 25.00 миллилитрини титрлаш учун 23.85 мл калий перманганат эритмаси сарфланган. Перманганат эритмасининг концентрациясини аниқланг. **Жавоби:** 0.00308 г/мл.

5. 1.4000 г темир сим ҳавосиз шароитда H_2SO_4 да эритилиб эритма сув қўшиб 250 мл га етказилган. Олинган FeSO_4 эритмасининг 25.00 миллилитрини титрлаш учун 24.85 мл 0.1 н. KMnO_4 эритмаси кетган бўлса, темир симда неча фоиз темир бўлган?

6. 3.2240 г оксалат кислота 500 мл ли ўлчов колбасида эритилган. Шу эритманинг 25 мл ини титрлаш учун KMnO_4 нинг $K=1.122$ ли 0.1 н. 22.80 мл эритмаси сарфланди. $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4$ нинг процент миқдорини аниқланг.

Жавоби: 71.44 %

7. 400 мл эритмада 5.16 г $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ бор. Шу эритманинг 20.00 миллилитрини титрлаш учун 22.5 мл KMnO_4 эритмаси сарфланган. KMnO_4 нинг нормаллигини ва темир бўйича титрини аниқланг.

Жавоби: 0.182 н.; 0.01016 г/мл.

Машғулот мавзуси: Титриметрик анализ. Аргентометрия.

Машғулот мақсади.

- Талабаларга ёмон эрийдиган электролитларнинг хоссаларини тушунтириш
- аргентометрия усулида ёмон эрийдиган электролитларнинг миқдорини аниқлашни ўргатиш.
- Чўқтириш усулида эквивалент нуктани аниқлаш усуллари билан талабаларни таништириш.
- Биологик суюқликлардаги хлоридлар миқдорини аниқлашни ўргатиш.

Мавзунинг асосий масалалари.

- 1.Ёмон эрийдиган электролитларнинг хоссалари ва эрувчанлик кўпайтмаси.
- 2.Эрувчанлик кўпайтмаси қийматидан фойдаланиб, эрувчанликни аниқлаш.
- 3.Чўқтириш усулида ишлатиладиган индикаторларни танлаш.
4. Ичимлик сувидаги хлоридлар миқдорини аниқлаш усули ва уларнинг одам танасидаги миқдорини аниқлаш.

Машғулот услуби.

- 1.Эрувчанлик кўпайтмаси асосида масалалар ечиш.
- 2.Лаборатория ишларини бажариб AgNO_3 нинг нормаллигини ва титрини аниқлаш.
- 3.Фольгард усулидан фойдаланиб сийдикдаги хлоридлар миқдорини аниқлаш.
- 4.Янги педагогик технология “Галерия бўйлаб тур ”

Фойдаланадиган қўргазмали қуроллар ва жихозлар.

1. ЭК келтирилган эрувчи бирикмаларнинг вакиллари ифодаланган жадвал.
2. Мор ва Фольгард усулида эквивалент нуктани аниқлашга керак бўладиган индикаторлар.
3. Концентрацияси маълум бўлган ош тузининг эритмаси.
4. Концентрацияси номаълум бўлган кумуш нитрат эритмаси.
5. Тириметрик анализда қўлланиладиган ўлчов идишлари: пипеткалар,бюреткалар ва ўлчов колбалари.

Фойдаланилган адабийтлар

- 1.Ҳамроев А.Ж., Камолов Х., Махсумов А.Г. " Биорганик кимёдан амлий машғулот" Т.2002
- 2.Ҳакимов У.Х.ва бошқалар "Умумий кимёдан амлий машғулотлар "Т.И.Сино нашриёт 1993
3. В.П. Зенчик "Аналитик химия " Медицина" 1976

Машғулотнинг хронологик картаси.

№	Машғулотнинг бориши тартиби	Вақти
1	0	5
2	Ўйга берилган топшириқлани бажарилганинги текшириш	30
3	Аргентометрия методининг моҳиятини тушунтириб бериш	25
4	ЭК доир масалалар ечиш	25
5	Амалий қисм. Лаборатория ишларини бажариш	40
6	Ўтилган машғулот якуни ва талабаларнинг ўзлаштириш малакаси ва билимларин текшириш	10

Жами : **3 соат**

Мавзуга оид саволлар.

- 1.Ҳажмий анализнинг чўқтириш методини характерлаб беринг?
- 2.Аргентометрияда қандай ишчи эритмалар ва индикаторлар қўлланилади.?
- 3.Аргонтометрия методи билан нимани аниқлаш мумкин?
- 4.МОР методининг моҳияти нимада? У қандай шароитларда қўлланилади?
- 5.Фольгард усулида борадиган реакцияларни қайси мухитда боришини айтиб беринг ?
6. AgNO_3 нинг хлор бўйича титри деганда нимани тушунасиз?

Мавзунинг назарий қисми.

Чўқтириш методининг моҳияти. Аргентометрия.

Чўқтириш методлари қийин эрийдиган чўқмалар хосил бўладиган реакцияларга асосланган. Бунда аниқланиладиган модда эквивалент нуктасида батомом чўкмага ўтади.

Қийин эрийдиган чўқмалар кўпгина кимёвий реакцияларда хосил бўлади, лекин уларнинг ҳаммасидан ҳам чўқтириш методида фойдаланиб бўлмайди.Чўқтириш методида қўлланиладиган реакциялар қўйидаги шартларни қаноатлантириши лозим ;

- А) Чўкма тез тушиши ва эримайдиган бўлиши керак.
- Б) Титрлаш натижаларига қўшимча реакциялар таъсир қиласлиги лозим ;
- В) Эквивалент нуктаси осон аниқланиши керак.
- Кўпинча чўқтириш методларида, деярли қийин эрийдиган кумуш тузларининг: AgCl , AgBr , AgJ , AgCN ва AgCNS хосил бўлиш реакциялардан фойдаланилади. AgNO_3 нинг

титрланган эритмаси энг мухим реактивдир. Бу реактивнинг қўлланишига асосланган методлар **аргентометрия** методлари деб аталади. Аргентометрияниң икки методи - Мор методи билан Фольгард методини кўриб чиқинг.

Ўрганиладиган мавзунинг тиббиётдаги аҳамияти.


Чўқтириш методи клиник таҳлилларни бажаришда, айниқса сийдик, ошқозон ширасида, қондаги хлоридлар миқдорини ҳамда галоген ионларини ўз таркибида сакловчи турли дори-дармонлар анализида кенг қўлланилади. Санитар-гиgienик таҳлилларда эса ичимлик суви, техникада ишлатилувчи табиий сувларнинг таҳлилида шу усуллардан фойдаланилади. Хлоридлар (NaCl , KCl ва бошқалар) минерал сув таркибида учрайди. Бундай тузлар организмдаги ҳамма ҳужайра ва тўқималарнинг асосий таркибини қисман ташкил этади. Натрий хлорид (ош тузи) одам организмни учун айниқса кераклидир. Бу туз қонда тўқималардаги суюкликлар таркибида бўлиб, ошқозон ширасида хлорид кислотанинг ҳосил бўлишида иштирок этади, натрий хлориднинг қондаги концентрацияси 0,5-0,6 % оралиғида бўлади. Организмда натрий хлориднинг етишмаслиги натижасида тўқималар сувсизланади, натижада қон айланиш системаси бузилади, кишининг иштахаси йўқолади, бутун марказий асад системаси шикастланиши натижасида, ақл-идрок қилиш қобилияти пасаяди. Одам организмидаги ҳайвонлар организмидаги тузнинг етишмаслиги хаёт учун хавфлидир. Ташкаридан организмга етарли миқдорда NaCl тузининг кирмаслиги натижасида организм тўқималари, қон учун зарур бўлган туз модда алмашинувига сарф бўлади. Натижада организм турли касалликларга учрайди. Бундай холларда тузнинг организмдаги нормал миқдорини саклаш учун беморга NaCl эритмаси юборилади.

Тузнинг ортиқча миқдори организм учун заарлидир. Тузни организм талабидан ортиқча миқдорда истеъмол қилиниши юрак ва буйракнинг нормал фаолиятини бузади. Оқибатда организмда суюкликни ушлаб қолиш натижасида шиш пайдо бўлади, бу эса организмдаги қон тўқималарининг таркибини бузилишига сабаб бўлади. Ичак фаолияти ҳам бузилади, ортиқча тузнинг организмда ушланиши натижасида организм заҳарланиб асад системасини ишдан чиқаради. Шунинг учун баъзи касалликларда шифокор истеъмол қилувчи тузнинг миқдорини чегаралаб қўяди.

Клиник анализда қон, сийдикнинг таркибидаги ҳамда ошқозон ширасидаги хлориднинг миқдорини аниқлашда чўқтириш усулида фойдаланилади, чунки сийдик таркибидаги хлориднинг миқдорини ўзгариши, шу организмда пайдо бўлган патологик ўзгаришлардан хабар беради. Сийдик таркибида одатда NaCl нинг миқдори аниқланади, чунки бошқа металларнинг хлоридлари сийдикда жуда кам миқдорини ташкил этади. Натрий хлорид организмда қондаги, тўқималардаги, терлаш ва сийдик билан ажralиб чиқадиган суюқликларни миқдорини нормал ушлаб туришда иштирок этади. Нормал организмдан ажralадиган сийдикни ўртача миқдори эркаклар учун 1300мл бўлиб, аёллар учун 1200 мл га тенгдир.

Аргентометрия (Мор методи)


Ҳажмий аниқланишнинг аргентометрик методи хлорид ва бромид ионларини кумуш ионлари билан чўқтириш реакцияларига асосланган; бунда қийин эрийдиган галогенидлар ҳосил бўлади.



Бу методда ишчи эритмаси сифатида AgNO_3 ишлатилади. Титрлашнинг эквивалент нуқтаси калий хромат K_2CrO_4 ёрдамида аниқланади.

Мор методида хлорид ва бромидлар кумуш нитратнинг титрланган эритмаси ёрдамида ёки аксинча кумуш тузлари–натрий хлор ёки калий хлорнинг титрланган эритмаси ёрдамида аникланади.

Йодидлар ва радонидларни бу метод билан аниқлаб бўлмайди чунки тушадиган кумуш йодид ва AgCNS чўқмалари калий хроматни адсорбциялайди ва натижада эквивалент нуқтани аниқлаб бўлмайди. Калий хроматни индикатор сифатида ишлатиш унинг кумуш ионлари билан ғиштин–қизил рангли кумуш хромат чўқмасини ҳосил қилишга асосланган.



Кумуш хроматнинг эрувчанлиги ($1 \cdot 10^{-4}$ мол/литр) кумуш хлориднинг эрувчанлиги ($1,25 \cdot 10^{-5}$ мол/литр) кумуш бромиднинг эрувчанлиги ($7,94 \cdot 10^{-7}$ мол/л) шунинг учун таркибида хлор иони ёки бром ионлари бўлган эритмалар кумуш нитрат эритмаси билан титрланганда аввал кумуш хлор ёки кумуш бромид чўқмаси ҳосил бўлади. Ҳамма галогенид ионлари деярли чўқтириб бўлгандан кейингина CrO_4^{2-} ионлари ва кумуш ионлари ўртасида реакция бошланиб рангли чўқма ҳосил бўлади. Лимон сарик рангнинг (калий хроматга хос бўлган ранг) эквивалент нуқтасига етганлигини кўрсатувчи оч пушти рангга айлангани аниқ билингани захоти титрлаш тўхтатилади. Ранг ўзгаришини пухта аниқлаш учун таққослаш мақсадида (андоза) эритмадан фойдаланиш мумкин .

Мор методи бўйича титрлаш фақат нейтрал ва кучсиз ишқорий муҳитда pH 7.0 дан 10 гача бўлганда олиб борилади. Кислотали эритмаларда титрлаб бўлмайди, чунки кумушхромат чўқмаси эрийди. Кучли ишқорий муҳитда эса Ag^+ ионлари OH^- ионлари билан AgOH гидроксид ҳосил қиласида, бу эримайдиган кумуш оксид Ag_2O га ва сувга парчаланади.



Мор методини аммиакли муҳитда қўллаб бўлмайди чунки AgCl ва Ag_2CrO_4 чўқмалари комплекс ион ҳосил қилиб эрийди.



Бу методни K_2CrO_4 билан чўқма ҳосил қиласида Ba^{2+} , Pb^{2+} , Bi^{3+} ва бошқа ионлар иштироқида, шунингдек ранг ўзгаришини аниқлашга халакит берадиган рангли эритмалар иштироқида ҳам қўллаб бўлмайди

Рух, темир, марганец ва алюминий галогенидлари ҳам Мор методи бўйича аниқланмайди. Чунки улар сувли эритмада кислотали муҳит ҳосил қилиб гидролизланади.

Мор методи бўйича титрлаш муайян изчилликда олиб борилади. Доимо галоген тузининг ўлчаб олинган ҳажмига бюреткадан кумуш тузининг эритмаси қўйилади яъни титрлаш доимо галогендан AgNO_3 га томон олиб борилади. Фақат шу ҳолдагина титрлаш охирида индикатор ранги кескин ўзгаради.

Титрлаш охирига яқинлашганда AgNO_3 секин томчилатиб қўйилади. Шунда чўқманинг зичлашувига имкон туғилади.

Мавзунинг амалий қисми.

Бюреткага AgNO_3 эритмаси билан тўлдирилади. Титрлаш колбасига концентрацияси маълум бўлган NaCl эритмасидан пипетка 5мл олиб унинг

устига K_2CrO_4 нинг тўйинган эритмасидан 2-3 томчи қўшилади ва эритмани бюреткадаги $AgNO_3$ эритмаси билан буғдой рангга киргунча давом эттирилади. Титрлаш пайтида эритмани тўхтовсиз аралаштирилиб туриш керак. Тажрибани 3 марта қайтарилади. Бажарилган иш натижалари қўйидагича жадвалга киритилади.

№	V_{NaCl} мл	N_{NaCl} Г-ион/л	индикатор	V_{AgNO_3}	V_{AgNO_3} г-ион/л	T_{AgNO_3} г/л
1						
2						
3						
Ўртача қиймат						

$AgNO_3$ нинг ўртача ҳажмини ҳисобланг, сўнгра кумуш нитратнинг ўртача ҳажми орқали унинг нормаллигини ва титри аниқланади.

$AgNO_3$ нинг нормаллиги ва титри қўйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$N_{AgNO_3} = \frac{V_{NaCl} \cdot N_{NaCl}}{V_{AgNO_3}} \quad \text{з - экв / л}$$

$$T_{AgNO_3} = \frac{V_{AgNO_3} \cdot \mathcal{E}_{AgNO_3}}{1000} \quad \text{з / мл}$$

Масалан 10 мл 0,0999 н лик натрий хлор эритмасини титрлаш учун ўртача 9,9 мл $AgNO_3$ эритмасидан сарф бўлган бўлса, $AgNO_3$ эритмасини нормаллиги ва титри қўйидагича ҳисобланади.

$$N_{AgNO_3} = \frac{0.999 \cdot 10}{9,9} = 0,1010$$

$$0,1010 \cdot 170$$

$$T_{AgNO_3} = \frac{\text{_____}}{1000} = 0,01717$$

Фольгард методи бўйича сийдик таркибидаги NaCl нинг микдорини аниқлаш.

Фольгард методи асосан кумуш галогенидлар ва радонидлар микдорини аниқлашда ишлатилади. Фольгард методи асосан кумуш иони билан роданид ионларини бирикib сувда ёмон эрувчи оқ рангли кумуш родонид чўқмасини ҳосил бўлиш реакциясига асосланган;



Бу чўқманинг эрувчанлик кўпайтмаси ЭК $AgCNS=1.2 \times 10^{-12}$ га тенг. Фольгард усули билан галогенларнинг микдорини аниқлашда тескари титрлаш орқали олиб борилади. Тескари титрлашнинг маъноси шундан иборатки, бунда текширилаётган хлор ионларини чўқтириш учун ортиқча микдорда олинади. Бу вактда эритмадаги хлор ионларининг ҳаммаси чўкмага тушади.



Эритма эса кумуш нитратини ортиқча микдори қолган Ag^+ ионларининг индикатор темир аммонийли аччиқ тош $NH_4Fe(SO_4)_2 \cdot 12H_2O$ иштироқида аммоний роданид билан титрланади. Бу тузнинг индикатор сифатида қўлланиши сабаби куйидагича тушунтирилади. Текширилаётган эритмадаги кумуш Ag^+ ва CNS^- ионлари реакцияга киришиб Ag^+ иони тамом бўлган вактдан бошлаб, ортиқча қўйилган бир томчи NH_4CNS билан индикатор таркибидаги темир Fe^{+3} иони реакцияга киришиб қизил ғишт темир радонид ҳосил бўлади.



Фольгард методининг Мор методидан афзаллиги шундаки ундан фақатгина нейтрал мухитда эмас балки кислотали мухитда ҳам фойдаланиш мумкин. Эритмада ортиқча эркин ҳолдаги кислотанинг бўлиши ҳатто аниқрок натижалар олишга имкон беради. Ba^{2+} , Pb^{2+} , Bi^{3+} ва бошқа ионлар анализга халакит бермайди.

Ишқорий мухитда индикатор таркибига кирадиган Fe^{+3} ионлари $Fe(OH)_3$ чўқмасини ҳосил қиласди. Шунинг учун ишқорий мухитда OH^- ионларининг ортиқча микдорини нитрат кислота билан нейтраллангандан кейингина анализни бошлаш керак. Фольгард методи билан титрлашни оксидловчилар CNS^- ионларини парчалайди, шунингдек CNS^- ионларини чўқтириладиган симоб тузлари иштироқида ҳам олиб бориши ярамайди.

Амалий қисм.

Тоза титрлаш колбасига пипетка ёрдамида 4 мл сийдик олиб, устига кислотали шароит ҳосил қилиш учун 4 н ли HNO_3 кислота эритмасидан 4 мл қўшилади. Сўнгра $AgNO_3$ нинг ишчи эритмасидан 8 мл ва 5 томчи индикатор $NH_4Fe(SO_4)_2 \cdot 12H_2O$ қўшилади. Бунда $AgNO_3$ нинг бир қисми сийдик таркибидаги хлоридлар билан оқ ранг чўқма ҳосил қиласди. Ортиб қолган $AgNO_3$ нинг микдорини NH_4CNS эритмаси билан қизил ранг ҳосил

бўлгунча титрланади. Титрлашнинг уч марта тақоролаб NH₄CNS нинг ўртача ҳажми топилади. Ҳисоблашни NH₄CNS нинг ўртача қиймати билан олиб борилади.

№	V _{Сийдик} мл	N _{AgNO₃} г-ЭКВ/л	индикатор NH ₄ Fe(SO ₄) ₂	N _{NH₄CNS} г-ЭКВ/л	N _{NH₄CNS} мл	T _{NaCl} г/мл	E _{NaCl} г
1							
2							
3							
Ўртача қиймат							

Масалан: 4 мл текширилаётган эритмага 8 мл 0,0191 н ли AgNO₃ қўшилган. Эритмадаги ортиқча AgNO₃ ни титрлаш учун 0,0198 н NH₄CNS эритмасидан 3,4 мл сарф бўлган бўлса ҳисоблашни қуидагича бажарамиз.

1. NH₄CNS билан реакцияга киришган AgNO₃ эритмасининг ҳажми аниқланади.

$$N_{AgNO_3} = \frac{N_{NH_4CNS} - V_{NH_4OH}}{N_{AgNO_3}} = \frac{0,0198 \cdot 3,4}{0,0191} = 3,5 \text{ мл}$$

2.Текширилаётган эритмадаги хлоридлар сонлари билан реакцияга киришган AgNO₃ эритманинг ҳажмини топамиз.

$$8 \text{ мл} - 3,5 \text{ мл} = 4,5 \text{ мл}$$

3.Текширилаётган эритманинг концентрациясини аниқлаймиз.

$$C_{(NaCl)} = \frac{N_{AgNO_3} \cdot V_{AgNO_3}}{V_{NaCl}} = \frac{0,0191 \cdot 4,5}{4} = 0,0214$$

4.Текширилаётган эритманинг титри :

$$C_{NaCl} = \frac{N_{AgNO_3} \cdot V_{AgNO_3}}{V_{NaCl}} = \frac{0,0191 \cdot 4,5}{4} = 0,0214$$

5.Бир суткада ажралаётган 1300 мл сийдикдаги хлорид микдори

$$q_{NaCl} = 0,00125 \cdot 1300 = 1,625 \text{ г}$$

Анализ қилинган сийдикни 10 марта суюлтирган эдик, шунинг учун хосил бўлган сонини 10 га кўпайтирамиз.

$$q_{\text{NaCl}} = 1.625 \cdot 10 = 16.25$$

Үртача ҳисоб билан бир суткада аёллар ва эркаклар организмидан ажраладиган сийдикдаги натрий хлорнинг микдорини қуидагича ҳисобланади.

$$q_{\text{аёллар}} = T \cdot 1200 = 0,00125 \cdot 1200 \cdot 10 = 15,02$$
$$q_{\text{Эркаклар}} = T \cdot 1300 \cdot 10 = 0,00125 \cdot 1300 \cdot 10 = 16,25$$

Янги педагогик техналогия: “Галерея бўйлаб тур” усули.

Кичик групкаларга битта муаммо берилади. Ҳар бир груп 10 минут давомида ўзининг фикрини ёзиб бошқа групдаги жавоб варажалари билан алмашинади. Кейинги груп олдинги групнинг жавобини баҳолаб, агар жавоб тўлиқ бўлмаса ўзининг вариантини таклиф этади.

Кунлик мавзу бўйича мисоллар:

1-вазифа. Мор усули билан эквивалент нуктани аниқлаш.

2-вазифа. Фольгард усули билан эквивалент нуктани аниқлаш.

3-вазифа. Сийдик таркибидағи хлоридларнинг микдорини Фольгард усули билан аниқлаш.

Талабаларнинг ўз жавобларини бергандан сўнг ва ўз ўртоқлари жавобларига қўшимча киритгандан сўнг усул биргаликда таҳлил қилиниб, энг тўғри жавобларни танлаб олиб юқори балл билан изоҳлайдилар.

Мавзуга оид масалалар:

1. 250 миллилитрида 1.4615 г туз бўлган натрий хлорид эритмасининг нормаллигини аниқланг. *Жавоби: 0.125 н.*
2. Титри 0.0170 г/мл га teng бўлган кумуш нитрат эритмасининг нормаллигини ҳисоблаб топинг. *Жавоби: 0.05 н.*
3. NaCl бўйича титри 0.002923 г/мл га teng бўлган AgNO₃ эритмасининг нормаллигини ҳисоблаб топинг. *Жавоби: 0.05 н.*
4. 25 мл KCl ни титрлашга 34 мл 0.105 н. AgNO₃ эритмаси сарфланди. 250 мл эритмасидаги KCl микдорини топинг. *Жавоби: 2.662 г.*
5. Агар NaCl нинг 250 мл эритмасида 0.75 г ош тузи бўлса, шу эритманинг титри, нормаллиги ва 0.05 н. эритмага тузатмани ҳисоблаб топинг. *Жавоби: T= 0.0030 г/мл; N=0,05132, г-экв/л; K=0.1026.*
6. 1 г ош тузи 250 мл сигимли ўлчов колбасида эритилди. Олинган эритманинг 25 миллилитрини титрлашга ўртача 16.65 мл 0.1 н. AgNO₃ эритмаси кетди. Ош тузидаги NaCl нинг процент микдорини аниқланг. *Жавоби: 97.32 %.*
6. 1.2225 г техник натрий бромид 100 мл ли ўлчов колбасида эритилди.

Олинган эритманинг 25 миллилитрини титрлашга $K_{AgNO_3}=1.025$ тузатмали 28.9 мл 0.1 н. $AgNO_3$ эритмаси кетган. Техник натрий бромиддаги $NaBr$ нинг процент миқдорини аниқланг.

Жавоби: 99.74%.

Мұндағы жа

Сүз боши.....	4
I Титриметрик анализ. Нейтралланиш усули.	
I.1 Нейтралланиш усули.....	5
I.2 Нейтралланиш усулининг тиббиёттадаги аҳамияти.....	11
I.3 Амалий қисм.....	12
I.4 Мавзуга оид масалалар.....	14
II Титриметрик анализ. Оксидиметрия	
II.1 Оксидиметрия	15
II.2 Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг турлари.....	17
II.3 Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг тиббиёттадаги аҳамияти.....	20
II.4 Амалий қисм.....	21
II.5 мавзуга оид масалалар	23
III Титриметрик анализ. Аргентометрия.	
III.1 Аргентометрия.....	26
III.2 Аргентометрия (Мор методи).....	27
III.3 Аргентометрик анализнинг тиббиёттадаги аҳамияти.....	26
III.4 Фольгард методи бўйича сийдик таркибидаги ош тузининг миқдорини аниқлаш.....	30
III.5 Амалий қисм	31
III.6 Мавзуга оид масалалар.....	33

Д. И. МЕНДЕЛЕЕВНИНГ КИМЁВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР ДАВРӢ СИСТЕМАСИ

Элементлар групалари

Давр- лар-	A	I	B	A	II	B	A	V	B	A	VI	B	A	VII	B	A	VIII			
	H																			
2	Li	(1.0)	3	Be	(1.5)	4	B	(2.0)	5	C	(2.5)	6	N	(3.0)	7	O	(3.5)	8		
	6,941±2	2s¹		9,0210±1	2s²		10,810±5	2s²2p¹		12,011±1	2s²2p²		14,0007±1	2s²2p³		15,9994±3	2s²2p⁴			
3	Na	(0.9)	11	Mg	(1.2)	12	Al	(1.5)	13	Si	(1.9)	14	P	(2.2)	15	S	(2.5)	16		
	22,9837±1	3s¹		24,0105±1	3s²		26,0054±1	3s²3p¹		28,0055±3	3s²3p²		30,0171±1	3s²3p³		32,0056±6	3s²3p⁴			
4	K	(0.8)	19	Ca	(1.0)	20	Sc	(1.3)	21	Ti	(1.8)	22	V	(1.6)	23	Cr	(1.5)	Mn		
	39,9933±1	4s¹		40,0110±4	4s²		44,95501±1	4s²4p¹		47,016±3	4s²4p²		49,9015±1	4s²4p³		51,9015±1	4s²4p⁴			
5	Rb	(1.8)	37	Cu	(1.9)	30	Zn	(1.6)	31	Ge	(1.8)	32	As	(2.0)	33	Se	(2.4)	34		
	85,4610±3	5s¹		88,340±3	5s²		88,0056±1	5s²3d²		87,730±3	5s²3d³		87,920±1	5s²3d⁴		87,930±1	5s²3d⁵			
6	Ag	(1.9)	47	Cd	(1.7)	48	In	(1.7)	49	Sn	(1.9)	50	Te	(2.1)	52	I	(2.5)	Xe		
	107,0002±2	5s¹		112,41±1	4d¹⁰5s¹		114,82±1	5s²5p¹		118,110±1	5s²5p²		121,00±1	5s²5p³		121,20±3	5s²5p⁴			
7	Cs	(1.7)	55	Ba	(0.9)	56	La *	(1.0)	57	Hf	(1.3)	58	Ta	(1.5)	59	Ta	(1.9)	Tc		
	122,0055±1	6s¹		127,33±1	4d¹⁰5s¹		130,0055±3	5d¹⁰6s¹		131,0054±3	5d¹⁰6s²		132,0053±1	5d¹⁰6s³		133,0052±1	5d¹⁰6s⁴			
8	Au	(1.8)	79	Hg	(1.9)	80	Tl	(1.6)	81	Pb	(1.9)	82	Bi	(1.9)	83	Po	(2.0)	84		
	106,3665±1	5d¹⁰6s¹		200,350±3	5d¹⁰6s²		204,303±1	6s²6p¹		211,004±1	6s²6p²		218,004±1	6s²6p³		222,007±1	6s²6p⁴			
9	Радиј	(1.8)	87	Ra	(0.9)	88	Ac **	(2.0)	104	Rf	(3.2)	105	Db	(1.1)	106					
	223,0107	7s¹		224,0124	7s²		225,0124	7s²		226,0124	7s²		227,0124	7s²		228,0124	7s²			
	ФРАНЦИЯ						АКТИНИЙ			РЕЗЕРВОРИДА			ДУБНИЙ							
★ Лантаноидлар																				
	Ce	(58.2)	Pr	(91.2)	Nd	(60.2)	Pm	(61.2)	Sm	(62.2)	Eu	(63.2)	Gd	(64.2)	Td	(65.2)	Dy	(66.2)	No	(67.2)
	140,11±1	1.1	140,0077±1	1.1	144,24±3	1.1	144,328	1.1	151,36±3	1.1	151,36±1	1.1	151,75±3	1.1	153,9254±1	1.1	164,0034±1	1.1	170,21±3	1.1
	141,11±1	4f¹⁰5d¹		141,0077±1	4f¹⁰5d¹		144,328	4f¹⁰5d²		145,328	4f¹⁰5d²		146,328	4f¹⁰5d³		147,328	4f¹⁰5d⁴		148,328	4f¹⁰5d⁵
	149,11±1	4f¹⁰5d⁵		149,0077±1	4f¹⁰5d⁵		150,328	4f¹⁰5d⁶		151,328	4f¹⁰5d⁶		152,328	4f¹⁰5d⁷		153,328	4f¹⁰5d⁸		154,328	4f¹⁰5d⁹
	155,11±1	4f¹⁰5d⁹		155,0077±1	4f¹⁰5d⁹		156,328	4f¹⁰5d¹⁰		157,328	4f¹⁰5d¹⁰		158,328	4f¹⁰5d¹¹		159,328	4f¹⁰5d¹²		160,328	4f¹⁰5d¹³
	161,11±1	4f¹⁰5d¹³		161,0077±1	4f¹⁰5d¹³		162,328	4f¹⁰5d¹⁴		163,328	4f¹⁰5d¹⁴		164,328	4f¹⁰5d¹⁵		165,328	4f¹⁰5d¹⁶		166,328	4f¹⁰5d¹⁷
	167,11±1	4f¹⁰5d¹⁷		167,0077±1	4f¹⁰5d¹⁷		168,328	4f¹⁰5d¹⁸		169,328	4f¹⁰5d¹⁸		170,328	4f¹⁰5d¹⁹		171,328	4f¹⁰5d²⁰		172,328	4f¹⁰5d²¹
	173,11±1	4f¹⁰5d²¹		173,0077±1	4f¹⁰5d²¹		174,328	4f¹⁰5d²²		175,328	4f¹⁰5d²²		176,328	4f¹⁰5d²³		177,328	4f¹⁰5d²⁴		178,328	4f¹⁰5d²⁵
	179,11±1	4f¹⁰5d²⁵		179,0077±1	4f¹⁰5d²⁵		180,328	4f¹⁰5d²⁶		181,328	4f¹⁰5d²⁶		182,328	4f¹⁰5d²⁷		183,328	4f¹⁰5d²⁸		184,328	4f¹⁰5d²⁹
	185,11±1	4f¹⁰5d²⁹		185,0077±1	4f¹⁰5d²⁹		186,328	4f¹⁰5d³⁰		187,328	4f¹⁰5d³⁰		188,328	4f¹⁰5d³¹		189,328	4f¹⁰5d³²		190,328	4f¹⁰5d³³
	191,11±1	4f¹⁰5d³³		191,0077±1	4f¹⁰5d³³		192,328	4f¹⁰5d³⁴		193,328	4f¹⁰5d³⁴		194,328	4f¹⁰5d³⁵		195,328	4f¹⁰5d³⁶		196,328	4f¹⁰5d³⁷
	197,11±1	4f¹⁰5d³⁷		197,0077±1	4f¹⁰5d³⁷		198,328	4f¹⁰5d³⁸		199,328	4f¹⁰5d³⁸		200,328	4f¹⁰5d³⁹		201,328	4f¹⁰5d⁴⁰		202,328	4f¹⁰5d⁴¹
	203,11±1	4f¹⁰5d⁴¹		203,0077±1	4f¹⁰5d⁴¹		204,328	4f¹⁰5d⁴²		205,328	4f¹⁰5d⁴²		206,328	4f¹⁰5d⁴³		207,328	4f¹⁰5d⁴⁴		208,328	4f¹⁰5d⁴⁵
	209,11±1	4f¹⁰5d⁴⁵		209,0077±1	4f¹⁰5d⁴⁵		210,328	4f¹⁰5d⁴⁶		211,328	4f¹⁰5d⁴⁶		212,328	4f¹⁰5d⁴⁷		213,328	4f¹⁰5d⁴⁸		214,328	4f¹⁰5d⁴⁹
	215,11±1	4f¹⁰5d⁴⁹		215,0077±1	4f¹⁰5d⁴⁹		216,328	4f¹⁰5d⁵⁰		217,328	4f¹⁰5d⁵⁰		218,328	4f¹⁰5d⁵¹		219,328	4f¹⁰5d⁵²		220,328	4f¹⁰5d⁵³
	221,11±1	4f¹⁰5d⁵³		221,0077±1	4f¹⁰5d⁵³		222,328	4f¹⁰5d⁵⁴		223,328	4f¹⁰5d⁵⁴		224,328	4f¹⁰5d⁵⁵		225,328	4f¹⁰5d⁵⁶		226,328	4f¹⁰5d⁵⁷
	227,11±1	4f¹⁰5d⁵⁷		227,0077±1	4f¹⁰5d⁵⁷		228,328	4f¹⁰5d⁵⁸		229,328	4f¹⁰5d⁵⁸		230,328	4f¹⁰5d⁵⁹		231,328	4f¹⁰5d⁶⁰		232,328	4f¹⁰5d⁶¹
	233,11±1	4f¹⁰5d⁶¹		233,0077±1	4f¹⁰5d⁶¹		234,328	4f¹⁰5d⁶²		235,328	4f¹⁰5d⁶²		236,328	4f¹⁰5d⁶³		237,328	4f¹⁰5d⁶⁴		238,328	4f¹⁰5d⁶⁵
	239,11±1	4f¹⁰5d⁶⁵		239,0077±1	4f¹⁰5d⁶⁵		240,328	4f¹⁰5d⁶⁶		241,328	4f¹⁰5d⁶⁶		242,328	4f¹⁰5d⁶⁷		243,328	4f¹⁰5d⁶⁸		244,328	4f¹⁰5d⁶⁹
	245,11±1	4f¹⁰5d⁶⁹		245,0077±1	4f¹⁰5d⁶⁹		246,328	4f¹⁰5d⁷⁰		247,328	4f¹⁰5d⁷⁰		248,328	4f¹⁰5d⁷¹		249,328	4f¹⁰5d⁷²		250,328	4f¹⁰5d⁷³
	251,11±1	4f¹⁰5d⁷³		251,0077±1	4f¹⁰5d⁷³		252,328	4f¹⁰5d⁷⁴		253										

